

Диёра Бахтиёр кизи СИДДИКОВА
Самарқанд давлат университети
Ўзбекистон-Финляндия педагогика
институтини жисмоний тарбия ва спорт
машғулотлар назарияси ва методикаси
факультети магистранти

ТАЪЛИМДА ЛОЙИҲА ТЕХНОЛОГИЯСИ: САМАРА ВА МУАММОЛАР

ТЕХНОЛОГИЯ ПРОЕКТА В ОБРАЗОВАНИИ: ЭФФЕКТИВНОСТЬ И ПРОБЛЕМЫ

PROJECT TECHNOLOGY IN EDUCATION: EFFICIENCY AND CHALLENGES

Аннотация: мазкур мақолада таълим тизимида замонавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда ўқитишнинг илгор услубларини жорий этиш, ўқитиш моделларини технологик тараққиёт гоёлари билан уйғунлаштириш, таълимнинг ахборотлаштирилиши, таълим жараёнида лойиҳа технологиясининг қўлланилиши ҳамда лойиҳа технологияси асосида инновацион фаолиятга бўлган заруратни аниқлаш, ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини ташкил этиш ва ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишни такомиллаштириш масаласи таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Технология, педагогик тизим, элемент, лойиҳа технологияси, парадигма.

Аннотация: в данной статье анализируется внедрения передовых методов обучения с использованием современных образовательных технологий в систему образования, гармонизации моделей обучения с идеями технологического прогресса, информатизации образования, применения проектной технологии в образовательном процессе и определения потребности в инновационной деятельности на основе проектной технологии, организации совместной образовательной деятельности и совершенствования использования проектной технологии в образовательном процессе.

Ключевые слова: Технология, педагогическая система, элемент, технология проекта, парадигма.

Annotation: This article analyzes the introduction of advanced teaching methods using modern educational technologies in the education system, the harmonization

of learning models with the ideas of technological progress, the informatization of education, the use of project technology in the educational process and the determination of the need for innovative activities based on project technology, the organization of joint educational activities and the improvement of the use of project technology in the educational process.

Key words: Technology, pedagogical system, element, project technology, paradigm.

КИРИШ

Бугунги кунда таълим жараёнига янги технологияларнинг кириб бориши, таълимнинг барча жабҳаларида ўқув материалларининг мазмуни, айниқса, таълим жараёнининг ахборот-ресурс таъминоти бўйича мавжуд қарашларни тубдан ўзгартирди. Таълим жараёнини ахборотлаштириш ва технологиялаштириш таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Бунда инновацион омил замонавий таълим тизимининг бош хусусиятларидан бири сифатида қаралар экан, педагогикадаги янгиликлар педагогик кадрларнинг инновацион фаолиятга тайёрлик ва мувофиқлик даражаси, уларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги, кундалик таълим тизимида яратувчилик хусусиятлари, таълимдаги сифат ва самарадорлик даражаси билан белгиланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

XX аср бошларида янги билим соҳаси - янгиликларни киритиш, қўллаш юзага келди. Янгиликларни киритиш ҳақидаги фан – инноватика – фирмаларнинг янги режа, хизматларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш фаолиятига талабларнинг кескин ошиб бориши акс эттирилган ҳолда пайдо бўлди. Ўз даври учун янги бўлган педагогик қарашлар кенг тарқалди. Мазкур жарёнда олимлар эътибори қуйидаги икки асосий йўналишга, яъни:

- 1) янги педагогик тизимлар ва уларнинг элементларини таълим амалиётига жорий этиш;
- 2) таълим соҳасида янги бошқарув технологияларини ва дастурлашган тизимларни жорий этишга қаратилди.

“...Таълимда қўлланиладиган янги моҳиятдаги дидактик технологиялар маълум бир восита бўлиб хизмат қилади. Мазкур парадигма янги илмий ва амалий педагогик фаолият тизимини яратиш беради. Унинг асосида таълим олувчи атроф-муҳитда янги моддий ва маънавий бойликларни яратиш учун

тайёр ҳолатга келтирилади” [1; 31]. Демак, технология фаолиятни натижага олиб келувчи омил бўлиб хизмат қилади. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари ҳамда интерфаол технологиялари, хусусан, лойиҳали таълимнинг ноъанавий методлари муҳим ўрин тутди.

Лойиҳа технологияси XX асрнинг 20-йилларида АҚШда пайдо бўлиб, унга инсонпарварлик педагогикасининг асосий қирраларидан бири сифатида қарала бошланди. Уни илк бор лойиҳа методи ёки муаммоли метод сифатида таълим жараёнига татбиқ қилишди. Мазкур технологиянинг асосий ғоялари америкалик педагог олим Жон Дьюи [2] томонидан ишлаб чиқилган. Ж.Дьюининг назарий концепцияси америкалик педагоглар У.Килпатрик ва Э.Коллингсларга лойиҳалар методини яратишга асос бўлиб хизмат қилди. Уларнинг фикрича, талабалар ўзлари танлаган ва уларда катта қизиқиш уйғотадиган фаолиятни бажонидил бажаришади [3].

Олимларнинг фикрича, лойиҳа технологияси таҳсил олувчиларнинг шахсий қизиқишларини инobatга олган ҳолда, таълим жараёнига татбиқ қилиниши ва таълим субъектларининг ўқув жараёнидаги фаолиятини мақсадли йўналтиришга мўлжалланиши лозим эди. Ўқув жараёнидаги дидактик парадигма реал ҳаётдан олинган вазиятли муаммо бўлиши ва ушбу муаммонинг ечими жамоавий тарзда ёки кичик гуруҳларда фан ютуқларидан фойдаланиб, мустақил топилиши, муайян натижани қўлга киритишга хизмат қилиши лозим. Бунда муаммо ва унинг ечими яхлит ҳолатда лойиҳалаш фаолиятдан иборат бўлиши зарур.

Лойиҳа – (лотин тилида: «projekt»- “олдинга ташланган”; “андоза”) -инсонларнинг жамоавий, ташкилий, мустақил изланишга ундовчи, муайян мақсадга йўналтирилган фаолият шакли.

Лойиҳалаш – мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, қўйилган муаммо ечимини топишга қаратилади ва уни ўзгартириш йўллари ва ечимларини топишга замин яратади.

Лойиҳа технологияси шахсга йўналтирилган таълим тизимида таҳсил олувчида: ташаббускорлик, мустақиллик, ижодкорлик каби шахсий сифатларни ривожлантиришга мўлжалланган технология. Ушбу техноло-

гия замирида ўқув лойиҳаларини бажаришга йўналган таълим мақсади илмий мужассамлашганлигини кўриш мумкин.

Лойиҳа технологияси ақл ва тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган тизим ҳисобланиб, лойиҳа технологияси борасидаги ғоялар рус ва америка педагог олимларининг параллел изланишлари натижасида ривожланди. Ушбу йўналишда П.П.Блонский [4], С.Т.Шацкий [5]лар салмоқли илмий тадқиқотлар олиб боришди. Бирок 1930 йиллардан сўнг ушбу технология мафкурага зид технология сифатида баҳоланиб, кўп йиллар мобайнида ундан таълим жараёнида фойдаланилмади. Сўнгги йилларда таълим жараёнидаги ислохотлар натижасида мазкур технологияга қизиқиш янада ортиб борди.

Дидактик лойиҳалаш – таҳсил олувчиларда ўқув-билиш мотивациясини ошириш мақсадида ташкил қилинадиган жараён. Шу боис замонавий лойиҳа технологиясини такомиллаштириш юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда [6; 178].

Лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш таҳсил олувчилар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто ҳулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бинобарин, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида лойиҳа технологиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилаётгани алоҳида долзарблик касб этиб, таълим жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини кенгайтиради.

Ўқитишда мазкур технология ўқитувчининг таълим-тарбия жараёни мақсадларидан бошлаб, ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши машғулотларни самарали ташкил этишга, ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга,

ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади ва ўқитишда самарали натижаларни беради.

Лойиҳа технологиясидан фойдаланиш фаолиятини ташкил этишда таълим олувчиларнинг билиш фаолияти ва уни бошқариш муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифалар қуйидаги босқичларда олиб борилади:

1. Лойиҳа технологияси асосида инновацион фаолиятга бўлган заруратни аниқлаш.

2. Педагогик жараёни ижодий ва масъулият билан ташкил этиш.

3. Эришилган натижани таҳлил қилиш орқали касбий фаолиятини баҳолаш.

Ўқитиш жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланиш қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- таълим мақсадлари, унинг мазмуни, методлари, технологияси, ташкил қилиш шакллари, таълим тизимини бошқаришдаги янгиланиш ва ижобий ўзгаришлар;

- конкрет педагогик фаолиятни ташкил қилишда педагогнинг ҳар кунлик фаолиятидаги туб ўзгаришлар;

- ўқув жараёнини янги мазмундаги замонавий ўқув режалари, ўқув дастурлари, ўқув-методик ишланмалари, дарсликлар, методик кўрсатмалар, ўқув қўлланмалари, барча методик ишланмаларнинг электрон кўринишлари билан таъминлаш;

- ўқитиш тизимида миллийлик ва умум-башарийлик тамойилларининг сингдирилиши;

- ўқув жараёнида ўқитувчи ва талаба фаолиятини баҳолаш ва билимларни назорат қилиш, улар муносабатларини яқдиллик асосида ягона мақсад, яъни сифатли таълим бериш ва сифатли таълим олиш натижавийлигига эришиш;

- таълим мазмунини демократлаштириш, либераллаштириш, муносабатларни тенг ҳуқуқли қилишга йўналтириш ва бошқалар.

Лойиҳа технологияларида ўқув жараёни субъектини шакллантиришга эътибор қаратилиши мақсадга йўналтирилган ўқув ҳамкорлигини ташкил этади. Таҳсил олувчиларга нисбатан дўстона муносабат муҳитини лойиҳалашда ҳам талаба ва ўқитувчи орасида ўзаро ҳурмат шаклланган таълим жараёнида партисипатив асосдаги ўқув муҳити қарор топишини таъкидлайди [7, 87].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ўқув жараёнига тайёрлашда лойиҳа технологияси:

таҳсил олувчиларда билиш фаолиятини ривожлантириш, қўшимча адабиётлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, замонавий таълим технологиялари (ЗТТ), компьютер, Интернет, ЭАР имкониятларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш; тақдим қилинган ўқув материалидаги муҳим ғояларни саралаш, таҳлил қилиш, қиёслаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш; дарс самарадорлигини ошириш, ўрганилаётган ўқув фанига ЗПТ орқали мотивация ҳосил қилишга хизмат қилади.

Лойиҳа технологияларида биринчи навбатда, ўқув жараёни субъектини шакллантиришга эътибор қаратилиши мақсадга йўналтирилган ўқув ҳамкорлигини ташкил этиш учун асос бўлади. Чунки, ўқув жараёни субъектлари ўқиш лаёқати, ҳаракат усуллари эгаллашга мойил бўлиб, ҳамкорликдаги ўқув фаолияти мақсадга йўналтиришнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Бинобарин, таълим мақсадларига эришишда лойиҳа технологиялари дидактик жараёни моделлаштиришда ўқитувчилар томонидан қўйилган педагогик вазиятларни оптимал модификациялашга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – 192 с.
2. Дьюи Дж. Психология и педагогика мышления / пер.с англ. Н.М.Никольской; под.ред Н.Д.Виноградова. – М.: 1975. – С. 202
3. Компарелли Р., Солоненко В.А. Деятельность преподавателя по формированию навыков // vital.lib.tsu>Download>vtls:000480790>SOURCE1.
4. Блонский П.П. Память и мышление. – Питер, 2001. – 288 с
5. Шацкий С.Т. Избранные педагогические сочинения: в 2 т. – М.: 1983. – 345 с.
6. Розиков О. Дидактика. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1997. – 302 б.
7. Брушлинский А.В. Мышление и прогнозирование. – М.: 1979. – 230 с.
8. Саидахмедов Н. Педагогик технология асослари. – Тошкент: 2002. – 190 б.
9. Ахмедова Л.Т. Роль и место педагогических технологий в профессиональной подготовке студентов. – Тошкент, 2009. – 202 с.
10. Абдукодиров А., Пардаев А. Педагогик технологияларга оид атамаларнинг изоҳли лугати. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2012. – 44 б.